

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

ТАЙЛОНОВ БАХТИЁР НУМОНОВИЧ

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИ ҚАНД
ЛАВЛАГИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ ОЛДИ ТИПИК БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural sciences

Тайлонов Бахтиёр Нумонович

Экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларини қанд лавлагининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири (Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида).....5

Тайлонов Бахтиёр Нумонович

Влияние сроков сева и норм минеральных удобрений на рост, развитие и урожайность сахарной свёклы (в условиях предгорных типичных серозёмов Кашкадарьинской области)21

Taylonov Bakhtiyor Numonovich

The Effect of Sowing Dates and Mineral Fertilizer Rates on the Growth, Development, and Yield of Sugar Beet (under the Conditions of Foothill Typical Gray Soils of Kashkadarya Region)39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИТСИНАСИ,
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ**

ТАЙЛОНОВ БАХТИЁР НУМОНОВИЧ

**ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МИНЕРАЛ ЎҒИТ МЕЪЁРЛАРИНИ ҚАНД
ЛАВЛАГИНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА
ТАЪСИРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ТОҒ ОЛДИ ТИПИК БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.08 – Ўсимликшунослик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.4.PhD/Qx86 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.idau.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халиков Баходир Мейликович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Азизов Бахрам Музапарович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Максадов Хурсанд Эсонович
кишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил 24 ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag_info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 2-қават, кичик мажлислар зали.

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№555131 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси, 2-уй, Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99871) 260-50-43.

Диссертация автореферати 2025 йил 12 ноябрда тарқатилди.
(2025 йил 12 ноябрдаги 24-рақамли реестр баённомаси)



U. Norqulov
У.Норқулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

A.A. Kurbonov
А.А.Курбонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

M.S. Rahmankulov
М.С.Рахманкулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шакар озиқ-овқат маҳсулоти ва саноат хом-ашёси сифатида катта аҳамиятга эга. Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО) маълумотларига кўра, дунё бўйича жами 172,8 млн. тонна шакар ишлаб чиқарилиб, шундан йилига Бразилияда 38,4 млн. тонна, Ҳиндистонда 28,9 млн. тонна, Хитойда 10,4 млн. тонна, Таиландда 8,3 млн. тонна, АҚШда 7,6 млн. тонна, Мексикада 6,1 млн. тонна, Россияда 5,8 млн. тонна, Германияда 4,5 млн. тонна, Австралияда 4,3 млн. тонна шакар ишлаб чиқарилади¹. Бугунги кунда дунёнинг 117 мамлакатиде шакар ишлаб чиқарилиб, шундан 89 та мамлакатда шакарқамишдан, қолган 28 та мамлакатда эса қанд лавлагидан олинади. Жаҳонда қанд лавлаги Украина, Россия, Германия, Франция, Польша, Ҳиндистон, Бразилия, Таиланд, Хитой, Австралия, Мексика, Куба, АҚШ каби мамлакатларда асосий экинлардан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда шакар истеъмоли дунё бўйича йилига 40 млн. тоннани, мамлакатимизда эса қарийб 800 минг тоннани ташкил этиши билан бирга шакар ва шакар маҳсулотларига бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шу боисдан, турли тупроқ-иқлим шароитлари учун қанд лавлаги етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ва мавжуд агротехнологияларни такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Жаҳоннинг қанд лавлаги етиштириш бўйича етакчи мамлакатларида мазкур экиндан мўл ва сифатли илдизмева ҳосили етиштириш бўйича юқори натижаларга эришилган бўлиб, бугунги кунда ноқулай иқлим шароитларига чидамли, ҳосилдорлиги ва шакарлик даражаси юқори бўлган қанд лавлагининг янги нав ва дурагайлари яратиш, ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқишга оид тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Шакар ва шакар маҳсулотларига бўлган талабнинг юқорилиги ва доимий ортиб боришини, шунингдек, қанд лавлагининг биологик ва экологик хусусиятлари ҳамда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда, қанд лавлаги етиштириш агротехнологиясига оид тадқиқотларни кўпайтириш ва ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини ҳамда аҳолини шакар ва шакар маҳсулотларига бўлган талабини таъминлаш мақсадида қанд лавлагини саноат асосида етиштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, шакар ва шакар маҳсулотларини ўзимизда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш талаб этилади. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4708-сон “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори² муҳим аҳамиятга эга бўлиб, “қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига мос маҳсулотларини етиштириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш қишлоқ хўжалигидаги

¹ <https://doi.org/10.4060/cc8166en>

² <https://lex.uz/uz/docs/4810300>

асосий устувор масалалардан биридир. Шу ўринда Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлагидан мўл ва сифатли ҳосил олиш учун парваришlash агротехникаси элементларини ишлаб чиқиш ва олинган илмий натижаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони ҳамда 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4708-сон “Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2023 йил 5 апрелдаги ПҚ-113-сон “2023 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлашни кенгайтириш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қанд лавлагидан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехникасини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича хорижий олимлардан J.Miloslav, Z.Josef, M.Hudcova, M.U.Kapur, R.S.Kanwar, I.Gunther ва бошқалар томонидан, шунингдек, республикамиз шароитида маҳаллий олимлардан М.Белоусов, Е.Горелов, И.Еременко, Б.Халиков, Х.Мақсадов, Р.Қурбонов, И.Сулаймонов, Р.Бобоноровлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлагининг парваришlash агротехникаси, хусусан экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларини унинг ўсиши, ривожланиши, илдизмева ҳосилдорлиги ҳамда сифат кўрсаткичларига таъсирини биргаликда ўрганиш ва мазкур тупроқ-иқлим шароитида ишлаб чиқаришга жорий этиш долзарб ва муҳим масалалардан ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялари унверситети Тошкент филиалининг (2021-2025 йй.) илмий тадқиқот ишларининг режасига киритилган бўлиб, “Қанд лавлагининг янги навларини яратиш, етиштириш технологияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлагининг мақбул экиш муддатлари ва минерал ўғитларга бўлган талабини ишлаб чиқиш, мазкур оимларни ўсимликни ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларининг қанд лавлагини униб чиқиши ва кўчат қалинлигига таъсирини аниқлаш;

қанд лавлагини ўсиши ва ривожланишига турли экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрлари таъсирини аниқлаш;

экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларининг қанд лавлагини барглар сони, массаси ва барг юза майдонига таъсирини ўрганиш;

экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларининг қанд лавлагининг илдизмева узунлиги, массаси ва диаметрига таъсирини ўрганиш;

экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларининг қанд лавлаги илдизмевагининг қуруқ модда тўплашига таъсирини аниқлаш;

тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий кўрсаткичларига экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрлари таъсирини аниқлаш;

ўрганилган омилларнинг қанд лавлагини илдизмева ҳосилдорлиги ва сифатига таъсирини аниқлаш;

қанд лавлаги етиштиришда иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тоғ олди типик бўз тупроқлар, қанд лавлагининг “Садо” нави, экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрлари таъсирида қанд лавлагининг ўсиши, ривожланиши, илдизмева ҳосилдорлиги ва сифат кўрсаткичларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий тадқиқотларда дала ва лаборатория тадқиқотлари, ўсимликдаги биометрик ўлчовлар ва фенологик кузатувлар ҳамда турли таҳлиллар “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, Б.М. Холиқовнинг “Қанд лавлагиди тажриба ўтказиш ва фенологик кузатишлар олиб бориш усуллари”, бундан ташқари “Методы агрофизических исследований”, “Методы агрохимических анализов почв и растений”, “Методика Государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур”, “Основные положения определения экономической эффективности использования в сельском хозяйстве результатов НИР, новой техники и изобретения, рационализаторских предложений” каби услубий қўлланмалар асосида амалга оширилган. Тажрибалардан олинган натижаларни статистик таҳлили Б.А.Доспехов услуби бўйича Microsoft Excel дастури ёрдамида бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлагидан мўл ва сифатли илдизмева ҳосили олишда мақбул экиш муддати ва минерал ўғит меъёрлари аниқлаб берилган;

қанд лавлаги эрта (25.03-01.04) муддатда экилганда об-ҳаво ва тупроқ ҳароратига боғлиқ равишда уруғлар 11-12 кунда, ўрта (05-10.04) муддатда экилганда 9-10 кунда, кечки (15-20.04) муддатда экилганда эса 8-9 кунда тўлиқ униб чиқиши ва бунда кечки муддатда экилганда эрта муддатга нисбатан 5-6 % га, ўрта муддатда нисбатан эса 8-10 % га жадал униб чиқиши, эрта муддатда экилган қанд лавлагининг ўрта муддатда экилганга нисбатан 0,2-0,4% га, кечки муддатда экилганга нисбатан 0,5-0,8% га кўп нобуд бўлиши, парваришида маъдан

Ўғитлар меъёри NPK 120:90:60 кг/га.дан NPK 160:120:80 кг/га.га оширилганда кўчатлар сонини 0,1-0,2%, NPK 200:140:100 кг/га.га оширилганда эса 0,2-0,4% кўп сақлаб қолишни таъминлаши аниқланган;

қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатда экилганда пишишга қадар амал даври ўртача 166-176 кунни, 05-10.04 муддатида экилганда 160-170 кунни, 15-20.04 муддатида экилганда 157-167 кунни ташкил этиб, бунда кечки муддатда экилганда эрта муддатга нисбатан 8-9 кунга, ўрта муддатга нисбатан 3-4 кунга эрта пишиб етилиши, шунингдек, минерал ўғитларсиз парвариш қилинганда амал даври энг қисқа (157-166 кунни), парваришида минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёрда берилиши амал даврини назоратга нисбатан 6-7 кунга, NPK 160:120:80 кг/га меъёрда берилиши 8-9 кунга, NPK 200:140:100 кг/га меъёрда берилиши эса 9-10 кунга узайтириши аниқланган;

уруғ экиш муддатларининг эрта (25.03-01.04) муддатдан 10-20 кунга кечикиб бориши билан қанд лавлаги баргларининг сони, массаси, юзаси ва қуруқ массаси камайиб борганлиги, аммо илдизмева узунлиги, диаметри ва массаси ўрта экиш (05-10.04) муддатида энг юқори бўлганлиги, шунингдек, назорат – ўғитсиз вариантга нисбатан минерал ўғитлар меъёрининг NPK 120:90:60 кг/га.дан NPK 200:140:100 кг/га.гача оширилиб борилиши билан мазкур кўрсаткичларнинг ҳам ортиб боришига ижобий таъсири асосланган;

қанд лавлагидан ўрта (05-10.04) муддатда экиб, ўғитларни NPK 160:120:80 кг/га меъёри қўлланилганда энг юқори илдизмева ҳосили (437,3 ц/га) олинган ҳолда, 10 кун эрта экилганга нисбатан 7,5-16,8 ц/га, 10 кун кеч экилганга нисбатан 18,0-36,5 ц/га юқори бўлиши, илдизмевадаги энг юқори шакарлик даражаси (19,7%) 25.03-01.04 муддатида экилиб, ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўлланилганда олиниб, бу 05-10.04 муддатида экилганга нисбатан 0,6-0,9% га, 15-20.04 муддатида экилганга нисбатан эса 1,0-1,5% га кўп бўлганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида фаолият олиб бораётган кластерлар, кооператорлар, фермер хўжаликлари ва мулкчиликни бошқа шаклидаги хўжаликлар учун қанд лавлагидан мўл ва сифатли ҳосил олишда мақбул экиш муддати (05-10.04) ва минерал ўғит меъёри (NPK 160:120:80 кг/га) ишлаб чиқилган ва ишлаб чиқаришга жорий этиш учун тавсиялар берилган;

қанд лавлагининг мақбул экиш муддати (05-10.04) ва минерал ўғит меъёри (NPK 160:120:80 кг/га) аниқланиб, ўсимлик ушбу экиш муддати ва минерал ўғит меъёрида парвариш қилинганда хом-ашё ишлаб чиқариш харажатлари 15-20% га камайган, илдизмева ҳосилдорлиги 10-12% га ошган, шунингдек қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатида экилиб, ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўлланилганда, илдизмевадаги шакарлик даражаси энг юқори (19,7%) бўлишига эришилган;

энг юқори иқтисодий самарадорлик қанд лавлагини 05-10.04 муддатда экиб, унинг парваришида минерал ўғитларни NPK 160:120:80 кг/га меъёрда қўллаганда олиниб, шартли соф фойда 11868500 сўм/га.ни, рентабеллик даражаси 64,5 % ни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Тадқиқот натижаларининг лаборатория ва дала тажрибалари услубларидан фойдаланилган ҳолда олинган

маълумотларга математик-статистик ишлов берилиши, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, тадқиқот натижаларининг хорижий ва маҳаллий тажрибалар билан солиштирилганлиги, аниқланган қонуниятлар ва хулосаларнинг асосланганлиги, илмий ва амалий натижалар мутахассислар томонидан апробациядан ўтказилганлиги ва изланиш натижалари амалиётда кенг қўлланилганлиги, тадқиқот натижалари республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида турли экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларини қанд лавлаги уруғларининг униб чиқиш даражаси, кўчат қалинлиги, ўсиши ва ривожланиши, илдизмева ҳосили ва сифатига таъсирининг илмий асослаб берилганлиги, мазкур шароитда қанд лавлагини мақбул экиш (05-10.04) муддатида экиб, парваришида минерал ўғитларнинг NPK 160:120:80 кг/га меъёри қўлланилганда энг юқори, 437,3 ц/га илдизмева ҳосили олишга, экиш муддати 25.03-01.04 бўлиб, минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўлланилганда эса энг юқори (19,7%) шакарлик даражасига эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлаги етиштиришда мақбул экиш муддати (05-10.04) ва минерал ўғит меъёри (NPK 160:120:80 кг/га) қўлланилиши натижасида илдизмева ҳосилдорлиги 10-15 % га ошганлиги ҳамда ишлаб чиқариш харажатлари 15-20% га камайганлиги билан баҳоланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли экиш муддатлари ва ва минерал ўғит меъёрларини қанд лавлагининг ўсиши, ривожланиши ва илдизмева ҳосилдорлигига таъсири бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари асосида:

Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлагидан мўл ва сифатли илдизмева ҳосили олиш мақсадида ишлаб чиқилган мақбул экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёри бўйича олинган илмий натижалар асосида «Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлаги етиштириш агротехникаси» номли тавсиянома ишлаб чиқилиб, фермер хўжаликларига амалиётга жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2025-йил 7-июлдаги №05/06-02-667-сонли маълумотномаси). Ушбу тавсиянома қўлланма сифатида вилоятда қанд лавлаги етиштираётган фермер хўжаликларига хизмат қилмоқда;

қанд лавлагини 05-10.04 экиш муддатида экиб, гектарига NPK 160:120:80 кг/га меъёрда минерал ўғитлар билан озиқлантириб парвариш қилишга доир берилган тавсияга асосан мазкур етиштириш агротехникаси Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз туманида 1,8 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2025-йил 7-июлдаги №05/06-02-667-сонли маълумотномаси). Натижада, гектаридан 437,3 с/га илдизмева ҳосили олиниб, ишлаб чиқаришда қўлланилиб келинаётган агротехнологияга нисбатан илдизмева ҳосилдорлиги юқори бўлиши таъминланган ва 64,5 % рентабелликка эришилган;

Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида илдизмеванинг шакарлик даражаси юқори бўлиши учун қанд лавлагини 25.03-01.04 муддатида экиб, парваришида минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёрда қўллаш технологияси Шахрисабз туманида 2,0 гектар майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар Миллий марказининг 2025-йил 7-июлдаги №05/06-02-667-сонли маълумотномаси). Натижада, шакарлик даражаси ишлаб чиқаришда қўлланилиб келинаётган агротехнологияга нисбатан 1,6 фоиз юқори юқори бўлган илдизмева ҳосили етиштирилиб, гектаридан 11,8 млн сўм соф даромад олишга ва 57,1 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Олиб борилган тадқиқотлар натижалари ҳар йили Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Тошкент филиали мутахассисларидан тузилган апробация комиссияси аъзолари томонидан ижобий баҳоланган. Тадқиқотдан олинган натижалар асосида 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, шундан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда, шунингдек, 5 та мақола халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда предмети ва объектлари тавсифланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Адабиётлар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлил қилиниб, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда қанд лавлагининг аҳамияти, қанд лавлаги етиштириш агротехнологиялари, илдизмева ҳосилдорлигига экиш муддатлари ҳамда минерал ўғит меъёрларининг таъсири бўйича олиб борилган ишларнинг баёни келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар олиб борилган ҳудуд тавсифи, тадқиқот материаллари ва услублари, дала тажриба ишларини олиб бориш услуби, қанд

лавлагини парвариш қилишдаги агротехник тадбирлар ҳамда тадқиқотда ўрганилган нав тавсифи баён қилинган. Тадқиқотлар Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманининг тоғ олди минтақаси типик бўз тупроқларида ўтказилган. Тажриба 12 та вариантдан иборат бўлиб, ҳар бир вариантнинг майдони 240 м², ҳисобга олинмаган майдон 120 м² ни ташкил этиб, тажриба бир ярусда, уч такрорлашда олиб борилган. Битта такрорлашнинг майдони 2880 м², умумий майдони 0,85 гектарни ташкил этган. Тажриба даласи тупроғининг 0-30 см қатламида гумус миқдори 1,045 % ни, умумий азот миқдори 0,094 % ни, фосфор миқдори 0,155 % ни, калий миқдори эса 2,401 %ни, нитратли азот миқдори 9,8 мг/кгни, ҳаракатчан фосфор миқдори 22,2 мг/кг, алмашинувчи калий миқдори эса 270,0 мг/кг.и ташкил этган. Тупроқнинг агрофизикавий хоссалари «Методика агрофизических исследований» қўлланмаси асосида, тупроқнинг ҳажм массаси Н.А.Качинский, тупроқнинг агрохимёвий хоссалари “Методы агрохимических анализов почв и растений”, гумус миқдори И.В.Тюрин, азот ва фосфорни умумий миқдорлари П.П.Гриценко, И.М.Мальцева, нитратли азот Грандвалд-Ляжу, ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчан калий миқдори П.В.Протасов усуллари билан аниқланган. Дала тажрибаси натижаларининг математик таҳлили Б.А. Доспехов бўйича, ўсимликлардаги фенологик кузатишлар Б.М. Холиқовнинг “Қанд лавлагида тажриба ўтказиш ва фенологик кузатишлар олиб бориш усуллари” ҳамда “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” “Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур” қўлланмалари асосида олиб борилган.

Диссертациянинг **“Қанд лавлагини экиш муддатлари ва маъдан ўғит меъёрларини тупроқнинг агрохимёвий ва агрофизикавий хоссаларига таъсири** “ деб номланган учинчи бобида қанд лавлаги парваришида турли экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларини тупроқдаги озика элементларининг умумий ва ҳаракатчан шакл кўрсаткичларига ҳамда тупроқнинг ҳажм массасига, шунингдек, турли экиш муддатларида уруғларни униб чиқиши, экиш муддатлари ва минерал ўғитларнинг ўсимликнинг кўчат қалинлигига, амал даврлари бўйича ривожланишига, барглар сони ва оғирлигига, барг юза майдонига, баргларининг куруқ масса тўплашига, илдизмева илдизмева массаси ва куруқ модда тўплашига, илдизмева ҳосилдорлигига, шакарлик даражаси ва шакар ҳосилига ва сифат кўрсаткичларига таъсири ўрганилган.

Қанд лавлагини турли экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларининг тупроқнинг агрохимёвий кўрсаткичларига таъсири бўйича олинган маълумотларда қанд лавлаги эрта муддатда (25.03-01.04) экилганда тупроқнинг 0-30 см қатламидаги гумус ва азот миқдорлари дастлабки миқдорга нисбатан мос равишда 0,004-0,012%; 0,007-0,014 % га, кечки муддатда (15.04-20.04) экилганда эса 0,002-0,007%; 0,004-0,010% га камайганлиги, минерал ўғит меъёрларини NPK 120:90:60 кг/гадан NPK 200:140:100 кг/га ошириб борилиши эса тупроқдаги гумус ва азот миқдорларини дастлабки миқдорга нисбатан мос равишда 0,003 % дан 0,005 % гача сақлаб қолинганлиги таҳлил этилган. Экиш муддатларини 10 кунга кечикиши тупроқ ҳажм массасини 0,002-0,003 г/см³га, 20 кун кечикиши эса 0,003-

0,007 г/см³га, минерал ўғит меъёрларини ошиб бориши билан тупроқнинг ҳажм массаси 0,005-0,012 г/см³ га ошиб бориши баён этилган.

Қанд лавлагини экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларини уруғларни униб чиқишига таъсири бўйича олинган маълумотларга кўра, қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатида экилганда уруғлар 12 кунда, 05-10.04 муддатида экилганда эса 10 кунда тўлиқ униб чиқиб, биринчи экиш муддатида нисбатан 6,3-11,4 %га жадалроқ, 15-20.04 муддатида экилганда эса 9 кунда тўлиқ униб чиқиб, биринчи ва иккинчи муддатларда экилганга нисбатан 12,1-32,1 %га жадалроқ униб чиққанлиги қайд этилган (1-жадвал).

Бундан ташқари, қанд лавлагини турли экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрлари унинг кўчатлар сонига бевосита таъсир этганлиги аниқланган. Бунда қанд лавлагида экиш муддатини 25.03-01.04 муддатга нисбатан 10 кунга кечиктириш, яъни уни 05-10.04 муддатида экиш кўчатлар сонини 0,2-0,4 %га, 20 кунга кечиктириш, яъни 15-20.04 муддатида экиш эса 0,5-0,8 %га сақлаб қолиш мумкинлиги таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, қанд лавлаги парваришида маъдан ўғитлар меъёрини NPK 120:90:60 кг/гадан NPK 160:120:80 кг/га.га оширилиши кўчатлар сонини 0,1-0,2 %га, NPK 200:140:100 кг/га.га оширилиши эса 0,2-0,4 %га сақлаб қолиниши келтириб ўтилган. Тадқиқотнинг бошқа йилларида олинган натижаларда ҳам шу каби қонуниятлар кузатилганлиги қайд этилган.

1-жадвал

Экиш муддатлари ва маъдан ўғит меъёрларини қанд лавлагининг униб чиқиш динамикасига таъсири, %. 2022 йил

Вар №	Экиш муддатлари	Маъдан ўғитлар меъёри, кг/га	Экилган кун	Униб чиқиш динамикаси, %			
				30.03	02.04	05.04	08.04
1	25.03-01.04	Ўғитсиз(назорат)	27.03	7,8	37,8	68,9	89,7
2		NPK 120:90:60		7,5	36,2	71,4	88,7
3		NPK 160:120:80		7,9	38,3	70,4	89,5
4		NPK 200:140:100		8,0	37,6	71,6	88,7
				10.04	13.04	16.04	18.04
5	05-10.04	Ўғитсиз(назорат)	07.04	14,7	45,2	74,5	90,4
6		NPK 120:90:60		15,8	47,6	76,5	91,2
7		NPK 160:120:80		14,6	48,7	77,1	89,9
8		NPK 200:140:100		14,3	47,4	76,5	90,1
				21.04	24.04	27.04	30.04
9	15-20.04	Ўғитсиз(назорат)	18.04	20,4	68,7	91,2	-
10		NPK 120:90:60		21,9	67,2	90,3	-
11		NPK 160:120:80		20,0	68,4	89,7	-
12		NPK 200:140:100		21,5	69,7	90,5	-

Экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларининг қанд лавлагининг барглари сони ва массасига доир 1-августда олинган маълумотларга кўра, қанд лавлаги


эрта, 25.03-01.04 муддатида экилганда барглар сони мос равишда 40,1; 50,3; 52,4; 55,9 донани, барглар массаси эса 279,3; 308,3; 312,4; 322,4 г.ни, 05-10.04 муддатида экилганда эса мос равишда 39,4; 48,9; 51,2; 55,3 дона; 277,8; 304,6; 310,1; 319,2 г.ни, кечки муддат, яъни 15-20.04 муддатида экилганда 37,9; 44,1; 48,3; 53,4 дона; 267,4; 294,1; 305,2; 319,1 г.ни ташкил этган. Таҳлиллардан кўринадики, қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатида экилганда 05-10.04 муддатга нисбатан барглар сони 2,2-6,2 донага, массаси 11,9-14,2 г.га, 15-20.04 муддатда экилганга нисбатан эса барглар сони 1,5-4,8 донага, массаси 4,9-10,5 г.га кам бўлганлиги аниқланган (2-жадвал).

2-жадвал

Экиш муддатлари ва маъдан ўғит меъёрларини қанд лавлагининг барглар сони ва массасига таъсири, 2022 йил

Вар.№	Экиш муддатлари	Маъдан ўғит меъёрлари,кг/га	1.06		1.07		1.08		1.09		Ҳосилни йиғишдан олдин	
			Барг сони, дона	Барг оғирлиги, г	Барг сони, дона	Барг оғирлиги, г						
1	25.03-01.04	Ўғитсиз (назорат)	10,8	64,8	19,7	158,4	40,1	279,3	34,6	258,7	25,7	193,4
2		НРК 120:90:60	16,2	76,1	26,5	172,4	50,3	308,3	43,1	267,8	34,7	239,6
3		НРК 160:120:80	19,3	86,3	31,4	188,7	52,4	312,4	44,8	287,7	35,8	241,6
4		НРК 200:140:100	20,8	89,7	34,3	193,7	55,9	322,4	46,5	292,6	37,6	246,3
5	05-10.04	Ўғитсиз (назорат)	11,2	60,4	19,8	155,6	39,4	277,8	33,7	255,4	24,3	192,4
6		НРК 120:90:60	15,4	73,2	25,6	170,1	48,9	304,6	42,4	274,2	33,5	236,7
7		НРК 160:120:80	18,9	84,7	30,7	185,4	51,2	310,1	44,5	283,4	35,5	238,9
8		НРК 200:140:100	20,7	88,4	33,5	192,4	55,3	319,2	46,4	291,4	37,3	245,6
9	15-20.04	Ўғитсиз (назорат)	10,5	57,6	18,9	154,7	37,9	267,4	31,4	241,5	22,6	187,4
10		НРК 120:90:60	13,4	69,8	23,5	166,8	44,1	294,1	38,3	268,1	29,7	221,8
11		НРК 160:120:80	16,4	77,7	27,3	178,4	48,3	305,2	42,1	279,6	33,9	234,3
12		НРК 200:140:100	17,5	79,4	29,6	184,5	53,4	309,1	45,5	287,4	36,5	243,7

Маълумки, ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим ўрин эгаллайдиган жиҳат бу ўсимликдаги барг юза майдони ҳисобланади. Қанд лавлагида барг юза майдони бўйича олинган маълумотларга кўра, қанд лавлаги эрта, 25.03-01.04 муддатида экилганда барг юза майдони тегишли вариантлар бўйича тегишли равишда 3712,2; 4251,2; 4432,1; 4565,7 см² ни, ўрта, 05-10.04 муддатида экилганда 3687,1; 4215,6; 4347,8; 4501,2 см² ни, кечки муддат, яъни 15-20.04 муддатида экилган да эса 3521,1; 3952,1; 4206,7; 4568,6 см² ни ташкил этган. Демак, қанд лавлаги эрта муддатда экилганда ўрта муддатда экилганга нисбатан барг юза майдони 25,1-84,3 см², кечки муддатга нисбатан эса 191,1-299,1 см² га кўп бўлиши аниқланган. Бундан ташқари, парваришида минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёрда берилиши барг юза майдонини назоратга нисбатан мос равишда 539,0 см² га, NPK 160:120:80 кг/га меъёрда берилиши 719,9 см² га, NPK 200:140:100 кг/га га меъёрда берилиши эса 853,5 см² га кўп бўлишини таъминлаган (1-расм).



1-расм. Қанд лавлагининг барг юза майдонига экиш муддатлари ва маъдан ўғит меъёрларини таъсири, 2022 йил)

Баргларнинг қуруқ массасига оид олинган маълумотларга кўра, қанд лавлаги эрта, 25.03-01.04 муддатда экилганда баргларнинг қуруқ массаси (1-август) мос равишда 39,1; 43,1; 43,7; 45,1 г.ни ташкил этган бўлса, тажрибанинг 05-10.04 муддатида экилган вариантларида мазкур кўрсаткичлар 38,8; 42,6; 43,4; 44,7 г.ни, 15-20.04 муддатида экилган вариантларида эса 37,4; 41,1; 42,7 44,1 г.ни ташкил этган. Қанд лавлаги парваришида минерал ўғитларнинг таъсири бўйича олинган маълумотларда эса қанд лавлаги ўғитсиз парвариш қилинганга нисбатан минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўланилганда барг қуруқ массаси 3,7-4,0 г.га, минерал ўғитларни меъёри NPK 160:120:80 кг/га.га оширилганда 4,6-5,3 г.га, меъёр NPK 200:140:100 кг/га.га оширилганда эса 5,9-6,7 г.га юқори бўлган.

Олинган маълумотларнинг таҳлили асосида қанд лавлаги 25.02-01.04 муддатга нисбатан 10 кун кеч, яъни 05-10.04 муддатида экилганида баргларнинг қуруқ массаси 0,3-0,5 г.га, 20 кун кеч, яъни 15-20.04 муддатида экилганида эса 1,0-2,0 г.га кам бўлиши, шунингдек, қанд лавлаги ўғитсиз парвариш қилинганга

нисбатан минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўланилганда барг куруқ массаси 3,7-4,0 г.га, минерал ўғитларни меъёри NPK 160:120:80 кг/га.га оширилганда 4,6-5,3 г.га, меъёр NPK 200:140:100 кг/га.га оширилганда эса 5,9-6,7 г.га юқори бўлиши тўғрисида хулосалар қилинган (3-жадвал).


3-жадвал.

Қанд лавлаги барглари қуруқ масса тўплаши, 2022 йил

Вар №	Экиш муддатлари	Маъдан ўғит меъёрлари, кг/га	Қанд лавлаги барглари қуруқ массаси, г			
			1.07	1.08	1.09	Ҳосилни йиғишдан олдин
1	25.03-01.04	Ўғитсиз (назорат)	22,1	39,1	36,2	27,0
2		NPK 120:90:60	24,1	43,1	37,4	33,5
3		NPK 160:120:80	26,4	43,7	40,2	33,8
4		NPK 200:140:100	27,1	45,1	40,9	34,4
5	05-10.04	Ўғитсиз (назорат)	21,7	38,8	35,7	26,9
6		NPK 120:90:60	23,8	42,6	38,3	33,1
7		NPK 160:120:80	25,9	43,4	39,6	33,4
8		NPK 200:140:100	26,9	44,7	40,8	34,3
9	15-20.04	Ўғитсиз (назорат)	21,6	37,4	33,8	26,2
10		NPK 120:90:60	23,3	41,1	37,5	31,0
11		NPK 160:120:80	24,9	42,7	39,1	32,8
12		NPK 200:140:100	25,8	44,1	40,2	34,1

Қанд лавлагининг илдизмева ҳосилини белгиловчи параметрларидан бири бу унинг илдизмевагининг узунлиги ва диаметри ҳисобланади. Зеро, шакар ва шакар маҳсулотлари қанд лавлаги илдизмевадан олиними, шакар миқдорини қандай бўлиши илдизмева узунлиги, диаметри ва массасига боғлиқ бўлади. Қанд лавлагининг мазкур кўрсаткичлар бўйича олинган маълумотларни кўрсатишича, қанд лавлагини узунлиги ва диаметрига турли экиш муддатлари ва минерал ўғит меъёрларини таъсири кузатишган. Қанд лавлаги эрта, 25.03-01.04 муддатда экилган вариантларда ҳосилни йиғишдан олдин илдизмева узунлиги мос равишда ўртача 20,4-27,1 смни, диаметри 8,5-14,5 смни ташкил этган бўлса, қанд лавлаги ўрта, 05-10.04 муддатида экилган вариантларда ушбу кўрсаткичлар тегишли тартибда узунлиги 20,7-27,2 см, диаметри 8,6-14,6 смни, қанд лавлаги кечки муддат, 15-20.04 муддатда экилганида эса узунлиги 17,1-24,9 ва диаметри 8,0-13,6 см бўлганлиги қайд этилган. Шу ўринда турли меъёрдаги минерал ўғитларни таъсири ҳам кузатилиб, қанд лавлаги минерал ўғитларни қўлламасдан парвариш қилинганда унинг узунлиги экиш муддатлари бўйича мос равишда 20,4; 20,7; 17,1 см, диаметри 8,5; 8,6; 8,0 смни ташкил этган. Минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўланилганда илдизмева узунлиги 20,2-25,2 см, диаметри 13,0-14,0 смни, минерал ўғит меъёрлари NPK 160:120:80 кг/га оширилганда эса мазкур

кўрсаткичлар 23,1-26,6; 13,4-14,4 смни, меъёр NPK 200:140:100 кг/га меъёрга етказилганда эса узунлиги 24,9-27,2 см, диаметри 13,6-14,6 см бўлган. Олинган маълумотларни таҳлили асосида куйидагича, қанд лавлаги 05-10.04 муддатга нисбатан 10 кун эрта, яъни 25.03-01.04 муддатида экилганда илдизмева узунлиги 0,1-0,3 смга, диаметри 0,1-0,6 смга, 10 кун кеч, яъни 15-20.04 муддатида экилганда эса мос равишда 2,3-5,0; 0,6-1,0 смга кам бўлганлиги, шунингдек, минерал ўғитларни гектарига NPK 120:90:60 кг меъёردа қўллаш назоратга нисбатан илдизмева узунлигини 3,1-4,5 смга, диаметрини 4,9-5,1 смга, NPK 160:120:80 кг/га ошириш узунлигини 5,9-6,9 смга, диаметрини 5,2-5,4 смга, NPK 200:140:100 кг/га қўллаш эса мос равишда 6,5-7,8; 5,5-6,0 см.га кўп бўлганлиги хулоса сифатида келтирилган (2-расм).



2-расм. Қанд лавлаги илдизмеваси узунлиги ва диаметрига экиш муддатлари ва маъдан ўғит меъёрларини таъсири, 2022 йил.

Қанд лавлагини экиш муддатлари ва минерал ўғитларни турли меъёрлари илдизмеванинг массаси ва қуруқ модда тўплашига оид олинган маълумотларга қараганда, қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатда экилган вариантларда илдизмева массаси ўртача 201,4-394,8 г, қуруқ модда тўплаши 64,4-126,3 г, 05-10.04 муддатда экилган вариантларда мазкур кўрсаткич 206,4-406,3 ва 66,0-130,0 г.ни, 15-20.04 муддатда экилган вариантларда эса 188,1-375,1 г ва 60,1-120,0 г.ни ташкил этганлиги аниқланган. Минерал ўғит меъёрларини қанд лавлаги илдизмева массаси ҳамда қуруқ модда тўплашига оид олинган маълумотларга кўра, тажрибанинг назорат, минерал ўғитлар берилмаган вариантларида илдизмева массаси 188,1-206,4 г.ни, қуруқ модда тўплаши 60,1-66,0; г.ни ташкил этган бўлса, минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўлланилганда ушбу кўрсаткичлар 341,4-367,9 г.ни, 109,2-117,7 г.ни, минерал ўғит меъёрлари NPK 160:120:80 кг/га оширилганда 370,2-402,1 г.ни; 118,4-128,6 г.ни, минерал ўғитлар

меъёри NPK 200:140:100 кг/га меъёрга етказилганда эса 375,1-406,3 г.ни, 120,0-130,0 г бўлганлиги аниқланган.

4-жадвал

Экиш муддатлари ва маъдан ўғит меъёрларини қанд лавлагининг илдизмева ҳосилдорлигига таъсири

№	Экиш муддатлари	Маъдан ўғит меъёрлари, кг/га	2022 йил	2023 йил	2024 йил	Уч йилда ўртача	Қўшимча ҳосилдорлик, ц/га	
							экиш муддати-дан	маъдан ўғитлар меъёридан
1	25.03-01.04	Ўғитсиз (назорат)	212,8	242,0	193,2	216,0	-	-
2		NPK 120:90:60	382,6	415,0	363,0	386,9	-	170,9
3		NPK 160:120:80	413,5	443,9	394,9	417,4	-	201,4
4		NPK 200:140:100	415,6	449,5	396,6	420,5	-	204,5
5	05-10.04	Ўғитсиз (назорат)	219,0	251,0	200,5	223,5	7,5	-
6		NPK 120:90:60	393,3	424,9	374,4	397,2	10,6	174,0
7		NPK 160:120:80	429,3	457,3	410,8	432,4	15,0	208,5
8		NPK 200:140:100	432,8	465,0	414,3	437,3	16,8	213,8
9	15-20.04	Ўғитсиз (назорат)	200,5	233,9	182,2	205,5	-10,5	-
10		NPK 120:90:60	367,6	385,9	349,3	367,6	-19,3	162,1
11		NPK 160:120:80	394,0	421,2	372,6	395,9	-21,5	190,4
12		NPK 200:140:100	396,0	430,7	376,6	401,1	-19,4	195,6

	2022 йил	2023 йил	2024 йил
ЭКФ ₀₅ =	1,37 ц - 0,13 %	1,14 ц - 0,10 %	0,83 ц - 0,08 %
ЭКФ _{05(A)} =	0,68 ц - 0,09 %	0,58 ц - 0,05 %	0,41 ц - 0,04 %
ЭКФ _{05(B)} =	0,79 ц - 0,11 %	0,66 ц - 0,05 %	0,28 ц - 0,04 %

Илдизмева массаси 188,1-206,4 г.ни, қуруқ модда тўплаши 60,1-66,0; г.ни ташкил этган бўлса, минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўлланилганда ушбу кўрсаткичлар 341,4-367,9 г.ни, 109,2-117,7 г.ни, минерал ўғит меъёрлари NPK 160:120:80 кг/га оширилганда 370,2-402,1 г.ни; 118,4-128,6 г.ни, минерал ўғитлар меъёри NPK 200:140:100 кг/га меъёрга етказилганда эса 375,1-406,3 г.ни, 120,0-130,0 г бўлганлиги аниқланган.

Қанд лавлагининг илдизмева ҳосилдорлиги бўйича олинган маълумотларга кўра, қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатида экилган вариантларда илдизмева ҳосилдорлиги ўртача 216,0-420,5 ц/гани ташкил этиб, бу 05-10.04 муддатда экилган вариантлардаги илдизмева ҳосилдорлигидан ўртача 7,5-16,8 ц/га, қанд лавлаги 15-20.04 муддатда экилганда эса илдизмева ҳосилдорлиги ўртача 205,5-401,1 ц/гани ташкил этиб, ушбу кўрсаткичлар қанд лавлаги 05-10.04 муддатда экилган вариантлар илдизмева ҳосилдорлигидан 18,0-36,5 ц/га, 25.03-01.04 муддатда экилган вариантлар ҳосилдорлигидан 10,5-21,5 ц/га миқдорда кам бўлганлиги аниқланган. Қанд лавлагидан энг юқори илдизмева ҳосили уни 05-10.04 муддатда экиб, парваришида минерал ўғитларни NPK 160:120:80 ва NPK

200:140:100 кг/га меъёрлари қўлланилганда олиниб, мос равишда 432,4 ва 437,3 ц/гани ташкил этган. Бунда қўшимча илдизмева ҳосили назоратга нисбатан 208,9; 213,8 ц/га миқдорида бўлганлиги қайд этилган (4-жадвал).

Қанд лавлаги илдизмевасининг шакарлик даражаси ва шакар ҳосили бўйича олинган маълумотларга кўра, тажрибада энг юқори илдизмевадаги шакарлик даражаси қанд лавлагини 25-03-01.04 муддатида экилганда аниқланиб, шакарлик даражаси ўртача 17,9-19,8 %ни, шакар ҳосили эса 38,7-81,4 ц/гани ташкил этган. Ушбу бўлимда якуний хулоса сифатида қанд лавлагини 25.03-01.04 муддатига нисбатан 10 кунга кеч, яъни 05-10.04 муддатида экиш илдизмевадаги шакарлик даражасини 0,6-0,9 %га, 20 кунга кеч, яъни 15-20.04 муддатида экиш эса 1,0-1,5 %га кам бўлиши қайд этилган. Нисбатан юқори миқдордаги (80-80 ц/га) шакар ҳосилини қанд лавлагини 25.03-01.04 муддатда экиб, минерал ўғитларнинг NPK 120:90:60 кг/га меъёрини қўллаганда олинганлиги таъкидланган, бироқ шакар ҳосили миқдорини юқори ёки паст бўлиши биринчи навбатда экиш муддати, минерал ўғит меъёрлари ҳамда илдизмева ҳосилдорлигига боғлиқ бўлиши келтирилган.

Диссертацияда қанд лавлаги илдизмевасининг сифат кўрсаткичлари, озуқавий бирлиги ва ҳазм бўлувчи протеин миқдори ўрганилган бўлиб, натижаларга кўра, қанд лавлаги 05-10.04 муддатга нисбатан 10 кунга эрта, 25.03-01.04 кунларида экилганида илдизмевадаги озуқавий бирлик 195,0-438,5 кг/га, ҳазм бўлувчи протеин 6,1-12,0 кг/га, 10 кунга кеч, яъни 15-20.04 экилганида эса 467,2-949,0; 14,4-29,2 кг/га.га кам бўлиши келтирилган. Қанд лавлаги илдизмевасида энг юқори озуқавий бирлик ва ҳазм бўлувчи протеин миқдори лавлагини 05-10.04 муддатда экиб, минерал ўғитларнинг NPK 200:140:100 кг/га меъёри қўлланилганда олинган-11371,5; 349,8 кг/га. Минерал ўғит меъёри NPK 160:120:80 кг/га меъёрга туширилганда илдизмевадаги озуқа бирлик 78,8 кг/гадан 133,5 кг/га.ча, ҳазм бўлувчи протеин эса 2,5-3,9 кг/га.гача, NPK 120:90:60 кг/га.га туширилганда эса 871,0-1026,5 кг/гадан ва 26,6-31,8 кг/га.ча кам бўлиши келтирилган.

Диссертациянинг **“Қанд лавлаги парваришдаги иқтисодий самарадорлик ва ишлаб чиқаришдаги тажриба натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида қанд лавлаги етиштиришдаги иқтисодий самарадорлик бўйича олинган ҳисоб-китоблар келтирилган. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблашда уруғлик, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, иш хақи, амортизация харажатлари ва бошқалар 2024 йилда белгиланган нархлар бўйича ҳисоб-китоб қилинган. Қанд лавлаги илдизмевасини реализация қилишда унинг 1 кг. нархи 70 сўм этиб белгиланган. Қанд лавлагини етиштиришда иқтисодий самарадорлигини аниқлаш бўйича олинган маълумотларга кўра, тажрибада энг юқори иқтисодий самарадорлик қанд лавлагини 05-10.04 муддатда экиб, парваришида NPK 160:120:80 кг/га меъёрда минерал ўғитлар қўлланилганда аниқланиб, шартли соф фойда 11868500 сўм/гани, рентабеллик даражаси 64,5 % ни ташкил этган. Энг паст кўрсаткич эса қанд лавлагини кечк 15-20.04 муддатида экиб, минерал ўғитлар берилмаган назорат вариантыда аниқланиб, бунда шартли соф фойда 1935000 сўм/гани, рентабеллик даражаси 15,5 % ни ташкил этган. Демак, қанд лавлаги парваришида минерал ўғит меъёрларини ошиб бориши билан ишлаб

чиқариш ҳаражатлари ҳам ошиб борган. Шунинг учун ҳам қанд лавлагини парваришида минерал ўғитларнинг юқори, NPK 200:140:100 кг/га меъёри қўлланилганда илдизмева ҳосили энг юқори кўрсаткични намоён этган бўлсада, ишлаб чиқариш ҳаражатлари кўпайиб кетганлиги сабабли, иқтисодий самарадорлик нисбатан паст бўлганлиги асослаб берилган.

ХУЛОСАЛАР

Олиб борилган тадиқотлар натижаларига асосланиб қуйидаги хулосалар қилинди.

1. Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлаги эрта (25.03-01.04) муддатда экилганда об-ҳаво ва тупроқ ҳароратига боғлиқ равишда уруғлар 11-12 кунда, ўрта (05-10.04) муддатда экилганда 9-10 кунда, кечки (15-20.04) муддатда экилганда эса 8-9 кунда тўлиқ униб чиқади. Бунда қанд лавлаги кечки муддатда экилганда эрта муддатга нисбатан 5-6 % га, ўрта муддатда нисбатан эса 8-10 % га жадал униб чиқади.

2. Қанд лавлаги ўрта (05-10.04) муддатда экилганга нисбатан 0,2-0,4% га, кечки (15-20.04) муддатда экилганга нисбатан 0,5-0,8% га кўп нобуд бўлади. Парваришида маъдан ўғитлар меъёри NPK 120:90:60 кг/гадан NPK 160:120:80 кг/гага оширилганда кўчатлар сонини 0,1-0,2%, NPK 200:140:100 кг/га.га оширилганда эса 0,2-0,4%га сақлаб қолишга эришилади.

3. Қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатда экилганда пишишга қадар амал даври ўртача 166-176 кунни, 05-10.04 муддатида экилганда 160-170 кунни, 15-20.04 муддатида экилганда 157-167 кунни ташкил этиб, бунда лавлаги кечки муддатда экилганда эрта муддатга нисбатан 8-9 кунга, ўрта муддатга нисбатан 3-4 кунга эрта пишиб етилади. Қанд лавлаги минерал ўғитларсиз парвариш қилинганда амал даври энг қисқа бўлиб, 157-166 кунни, парваришида минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёрини берилиши амал даврини назоратга нисбатан 6-7 кунга, NPK 160:120:80 кг/га меъёрда берилиши 8-9 кунга, NPK 200:140:100 кг/га га берилиши эса 9-10 кунга узайтиради.

4. Қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатга нисбатан 10 кунга кеч (05-10.04) экилганда барглар сони 2,2-6,2 донага, массаси 11,9-14,2 г.га, 20 кунга кеч (15-20.04) экилганда эса 1,5-4,8 дона; 4,9-10,5 г.га кам бўлади. Парваришида минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га мейўрда қўлланилиши барглар сони ва массасини назоратга нисбатан 10,2 дона; 29,0 г.га, NPK 160:120:80 кг/га қўлланилиши 12,3 дона; 33,1 г.га, NPK 200:140:100 кг/га қўлланилиши эса 15,8 дона; 43,1 г.га юқори бўлишини таъминлайди.

5. Қанд лавлаги 25.03-01.04 муддатга нисбатан 05-10.04 муддатда экилганда барг юза майдони 25,1-84,3 см²га, 15-20.04 муддатда экилганда эса 191,1-299,1 см²га кам бўлиб, парваришида минерал ўғитлар меъёри NPK 120:90:60 кг/га бўлганда барг юза майдони назоратга нисбатан 539,0 см²га, NPK 160:120:80 кг/га бўлганда 719,9 см² га, NPK 200:140:100 кг/га га меъёрда эса 853,5 см² га юқори бўлади.

6. Қанд лавлаги эрта муддат 25.03-01.04.га нисбатан 10 кун кеч экилганида баргларнинг қуруқ массаси 0,3 г.дан 0,5 г.гача, 20 кун кеч экилганида эса 1,0 г.дан

2,0 г.гача кам бўлишига, қанд лавлаги ўғитсиз парвариш қилинганга нисбатан минерал ўғитлар NPK 120:90:60 кг/га меъёрда қўлланилганда барг куруқ массаси 3,7-4,0 г.га, NPK 160:120:80 кг/га меъёрда қўлланилганда 4,6-5,3 г.га, NPK 200:140:100 кг/га меъёр қўлланилганда эса 5,9-6,7 г.га юқори бўлишини таъминлайди.

7. Қанд лавлаги 05-10.04 муддатга нисбатан 10 кун эрта, 25.03-01.04 муддатда экилганда илдизмева узунлиги 0,1-0,3 смга, диаметри 0,1-0,6 смга, 10 кун кеч, 15-20.04 муддатда экилганда эса 2,3-5,0; 0,6-1,0 смга кам бўлади. Минерал ўғитларни гектарига NPK 120:90:60 кг меъёрда қўллаш назоратга нисбатан илдизмева узунлигини 3,1-4,5 смга, диаметрини 4,9-5,1 смга, NPK 160:120:80 кг/га меъёрда қўллаш мос равишда 5,9-6,9; 5,2-5,4 смга, NPK 200:140:100 кг/га қўллаш эса 6,5-7,8; 5,5-6,0 см.га юқори бўлишини таъминлайди.

8. Қанд лавлаги 05-10.04 муддатда экилганда 25.03-01.04 муддатда экилганга нисбатан илдизмева массаси 5,0-11,5 г.га, куруқ модда тўплаши 1,6-3,7 г.га, 15-20.04 муддатда экилганга нисбатан эса 17,8-31,2 г.га, куруқ модда тўплаши 5,9-10,0 г.га юқори бўлади. Минерал ўғитлар NPK 120:90:60 кг/га меъёрда қўлланилганда назоратга нисбатан илдизмева массаси 138,5-159,0 г.га, куруқ модда тўплаши 49,1-51,7 г.га, NPK 160:120:80 кг/га қўлланилганда мос ҳолда 161,5-186,1; 59,6-62,6 г.га, NPK 200:140:100 кг/га қўлланилганда эса 187,0-199,9; 59,9-64,0 г.га юқори бўлади.

9. Қанд лавлагидан энг юқори илдизмева ҳосили уни ўрта, 05-10.04 муддатда экиб, ўғитларни NPK 160:120:80 кг/га меъёри қўлланилганда олиниб, ўртача 437,3 ц/гани ташкил этди. Аниқландики, у 05-10.04 муддатга нисбатан 10 кунга эрта экилганида илдизмева ҳосилдорлиги 7,5 ц/гадан 16,8 ц/гача, 10 кунга кеч экилганида эса 18,0 ц/гадан 36,5 ц/гача кам ҳосил беради.

10. Қанд лавлаги илдизмевасидаги энг юқори шакарлик даражаси (19,7%) у 25.03-01.04 муддатида экилиб, ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёри қўлланилганда олиниб, бу 05-10.04 муддатида экилганга нисбатан 0,6-0,9% га, 15-20.04 муддатида экилганга нисбатан эса 1,0-1,5% га кўп бўлганлиги аниқланди.

11. Энг юқори иқтисодий самарадорлик қанд лавлагини 05-10.04 муддатда экиб, унинг парваришида минерал ўғитларни NPK 160:120:80 кг/га меъёрда қўллаганда аниқланиб, шартли соф фойда 11868500 сўм/гани, рентабеллик даражаси 64,5 % ни ташкил этди.

12. Қашқадарё вилоятининг тоғ олди типик бўз тупроқлари шароитида қанд лавлагидан юқори илдизмева ҳосили олиш учун уни 05-10.04 муддатида экиб, парваришида минерал ўғитларни NPK 160:120:80 кг/га, илдизмевада юқори даражада шакарлик даражаси бўлиш учун эса уни 25.03-01.04 муддатида экиб, минерал ўғитларни NPK 120:90:60 кг/га меъёрини қўллаш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ФИЛИАЛ САМАРКАНДСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА ВЕТЕРИНАРНОЙ
МЕДИЦИНЫ, ЖИВОТНОВОДСТВА И БИОТЕХНОЛОГИИ**

ТАЙЛОНОВ БАХТИЁР НУМОНОВИЧ

**ВЛИЯНИЕ СРОКОВ СЕВА И НОРМ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА
РОСТ, РАЗВИТИЕ И УРОЖАЙНОСТЬ САХАРНОЙ СВЁКЛЫ
(В УСЛОВИЯХ ПРЕДГОРНЫХ ТИПИЧНЫХ СЕРОЗЁМОВ
КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ)**

06.01.08 – Растениеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2025

Тема диссертации на соискание степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2025.4.PhD/Qx86.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском филиале Самаркандского государственного университета ветеринарной медицины, животноводства и биотехнологии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.tdau.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Халиков Баходир Мейликович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: Азизов Бахрам Музапарович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Максадов Хурсанд Эсонович
кандидат сельскохозяйственных наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится 24 ноября 2025 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/04.03.2022.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100164, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag_info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 2-этаж, малый зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под №555131). Адрес: 100164, Ташкентская област, Кибрайский район, улица Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Телефон: (+99871) 260-50-43.

Автореферат диссертации разослан 12 ноября 2025 года.
(реестр протокола рассылки № 24 от 12 ноября 2025 года).



У.Норкулов
член научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.с.х.н., профессор.

А.А.Курбонов
член научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н., доцент.

М.С.Рахманкулов
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
учёных степеней, д.с.х.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

